

2/2024,
mart-
aprel
(№ 00070)



МАҲАЛЛА ҲУДУДИДА АҲОЛИНИ ОЗИҚ - ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИГА БЎЛГАН ИСТЕММОЛ ТАЛАБЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА ПРОГНОЗИ

Беркинов Бозорбай Беркинович

ТДИУ "Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириш" кафедраси профессори, "Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар маркази" директори, и.ф.д. guzalshakirova86@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss2/a27

Аннотация

Мақолада маҳалла аҳолисининг минимал истеъмол бюджети ҳамда рационал тиббий меъёрлар бўйича озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талаблари оила таркибига қараб прогноз қилинган ҳамда аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан тъминланганлик даражаси баҳоланган. Мақолада шунингдек, битта маҳалла ва бир уй хўжалиигига тўғри келадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажмлари прогноз қилинган.

Калит сўзлар: маҳалла, минимал истеъмол бюджети, рационал тиббий меъёр, истеъмол талаби, қишлоқ хўжалик маҳсулоти.

АНАЛИЗ И ПРОГНОЗ ПОТРЕБЛЕНИЯ ПРОДОВОЛЬСТВИЯ НАСЕЛЕНИЕМ МЕСТНОЙ ТЕРРИТОРИИ

Беркинов Бозорбай Беркинович

Профессор кафедры «Макроэкономического анализа и прогнозирования» ТДИУ, директор «Центра институциональных и экономических исследований», к.э.н.

Аннотация

В статье осуществлен прогноз потребности населения махалли в продовольственных товарах по минимальным и рациональным медицинским потребительским нормам. В статье также оценен уровень обеспеченности населения продуктами сельского хозяйства, Спрогнозирован объем продукции сельского хозяйства соответствующий на одну махаллю и одно домохозяйство.

Ключевые слова: махалля, минимальный потребительский бюджет, минимальные потребительские нормы, потребительский спрос, продукция сельского хозяйства.

ANALYSIS AND FORECAST OF THE CONSUMPTION OF FOOD PRODUCTS OF THE LOCAL TERRITORY POPULATION

Berkinov Bozorboy Berkinovich

Professor of the "Macroeconomic Analysis and Forecasting" Department of TDIU, Director of the "Center for Institutional and Economic Researches", Ph.D.

Abstract

The article forecasts the needs of the makhalla population for food products according to minimum and rational medical consumer standards. The article also assessed the level of provision of the population with agricultural products, and predicted the volume of agricultural products corresponding to one mahalla and one household.

Key words: mahalla, minimum consumer budget, minimum consumer standards, consumer demand, agricultural products.

Кириш

“Ўзбекистон–2030” стратегияси доирасида [1] амалга оширилаётган кўп қиррали ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини тубдан қайта таркиблаш ва аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта миқдорда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини бермоқда. Ўзбекистонда 2017 – 2023 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,7 марта ошди. Фақат кейинги 2023 йилда 2022 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 17,2 фоизга кўпайди. Бу мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг улкан заҳиралари мавжуд эканлигини исботлайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадаки, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби истеъмолчилар даромадларига мос равища ошмоқда. Бунга нафақат маҳсулот турлари, балки унинг сифати ҳам таъсир қилмоқда. Шу боис ҳозирги босқичда маҳалла ҳудудида аҳолини озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган талабини қўллаб – қувватлаш ва унинг учун маҳаллада қўйидаги вазифаларни ечишга эътибор қаратиш зарур ҳисобланади.

Гап шундаки, маҳалла ҳамда уй хўжаликлари кесимиға тўғри келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми, оила аъзолари сонига мос маҳсулотларга бўлган истеъмол талаблари ва уларнинг бозор қиймати ҳамда минимал ва рационал меъёрларни ҳисобга оловчи таъминланганлик даражалари таққосланма таҳлил ва ўзгаришлари прогнози амалга оширилмаган.

Шуларни эътиборга олиш, ушбу тадқиқотда маҳалла аҳолисини озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда улар таркиби бўйича таққослама таҳлили ва прогнозини асослаш, маҳаллани ижтимоий-иктисодий қўллаб-қувватлашнинг ҳозирги босқичдаги долзарб вазифалари қаторига киради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Аҳолини озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талаблари ва улар билан таъминланганлигини таққослама ўрганиш муаммолари хорижий ҳамда мамлакатимиз олим ва мутахассислари томонидан бозор иқтисодиёти ҳамда рақобат муҳити меъзонлари асосида ўрганилган.

Хусусан, россиялик олимлардан Г.И.Шемелев [2], Б.Г.Путиевкий [3], J.A.Crochett [4], Е.В.Куликова [5], И.В.Баскакова [6], Н.В.Можайкина [7], Л.И.Прищепа [8], А.Рассказов [9] ва бошқалар [10] илмий ишларида аҳоли учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат бозорида рақобат муҳитига таъсир этувчи омиллар ўрганилган ҳамда оила даромади ва одам сони ўртасидаги ўзаро боғлиқлик эконометрик моделлар асосида баҳоланган. Шунингдек, улар тадқиқотларида уй хўжалиги даромадлари кўрсаткичларини ҳисобга олиш, ахборотлар йиғиш ҳамда

трансформация қилинаётган иқтисодиёт шароитида уй хўжалиги функцияларини амалга ошириш йўллари асослаб берилган.

Мамлакатимиз олимларидан А.С.Солиев [11], Ш.М.Газиев [12], Г.И.Шодиева [13] ва бошқалар тадқиқотларида маҳалла ва оиласда кичик бизнесни ташкил этиш, уларни юритиш механизмлари, озиқ-овқат истеъмол товарлари гуруҳи, оила уй хўжалиги меъёрий кўрсаткичлари ҳамда даромадларини кўпайтириш йўллари ўрганилган.

Шу билан бир вақтда маҳалла ҳудудида оиласларни озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол меъёрларини ҳисобга олиб уларга бўлган талаб ва таклифни баҳолаш ҳамда прогноз қилишга амалий жиҳатдан содда ҳамда илмий тавсифга эга бўлган меъёрий усул ва ёндашувлардан етарлича фойдаланилмаган.

Тадқиқот методологияси

Озиқ-овқат бозорини истеъмол товарлари билан тўлдириш, талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш, минимал истеъмол бюджети ҳамда рационал тиббий меъёrlар асосида талабни прогноз қилиш, аҳолини маҳсулотларга бўлган таъминлаганлик даражасини баҳолаш усуслари ушбу тадқиқотнинг методологик жиҳатларини ташкил қиласди.

Таҳлил ва натижалар

Маълумки, рақобат муҳити кескинлашиб борган сари истеъмол бозорини ўрганишга бўлган зарурият янада кучайиб боради. Бу эса бугунги кунда анъанавий маркетинг тадқиқотларини ўtkазиш усуслари билан чекланиб қолмасдан, замонавий стратегик қарорларни қабул қилишда натижавийликни таъминлаш усусларини ҳам қўллашни тақозо этади. Чунки бозорда савдо ва аҳолининг истеъмол талаби ва маданияти тез ривожланиб бораётган бир шароитда, фақат маркетинг тадқиқотларини ўtkазиб, аниқлик даражаси юқори бўлган сифатли натижаларга эришиб бўлмайди. Гап шундаки, истеъмол бозорини ривожланиб бориши талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш ва айниқса, талаб даражасини аниқ белгилаган ҳолда, истеъмол товарлари таклифини (ишлаб чиқаришни) доимо мувофиқлаштириб боришни талаб этади.

Амалда аҳоли истеъмол талабини унинг сони ҳамда даромадларининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда аниқланган вариантларнинг мавжудлиги, бозорда баҳо ўзгаришини, ишлаб чиқариш учун ресурслар ажратишни (ер, меҳнат ва б.) тартибга солиш имкониятини беради. Шу нуқтаи назардан, маҳаллалар аҳолисини истеъмол товарларига, биринчи навбатда, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини аниқлаш амалий жиҳатдан оиласда уй хўжаликлари ривожланишини, айниқса, уларни ишлаб чиқариш ресурсларига бўлган эҳтиёжини билиш, даромад ва харажатлари таркибини прогнозлашга асос бўлиб хизмат қиласди.

Шу нуқтаи назардан, маҳалла аҳолисининг озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат товарларига бўлган истеъмол талабларини аниқлаш учун амалий жиҳатдан ҳам содда, ҳам илмий асосланган норматив усулидан фойдаланиш мумкин. Бундай ёндашув мамлакатимизда аҳолининг энг кам (минимал) истеъмол бюджетини ҳисоблаш учун самарали йўл ҳисобланади. Ушбу ёндашув асосини ҳар бир маҳсулот тури бўйича табақалаштирилган меъёrlар ташкил этилиши лозим.

Меъёrlар Ўзбекистон аҳолиси учун белгиланган рационал тиббий меъёrlардан фарқ қилиб, улар мамлакат аҳолисининг тўлов қобилиятини ҳамда истеъмол қилинадиган маҳсулотнинг республикада ишлаб чиқарилиши ёки импорт қилинишини ҳисобга олади ва улар маълум озуқа бирлигини (килокалория) таъминлайди.

Шу билан бир вақтда, таъкидлаш жоизки, аҳоли даромадининг ошиб бориши, оила турмуш сифатининг юксалиши, истеъмол рационларида мұхим сифат ўзгаришларига олиб келади ва аҳолининг асосий қисми рационал тиббий меъёрларда белгиланган ҳажмда овқатланишга босқичма–босқич ўтади. Шуни инобатга олганда аҳоли истеъмол товарларига бўлган талабни аниқлашда тиббий меъёрларга асосланган прогнозларни амалга ошириш лозим.

Ушбу қоидалардан келиб чиқиб, маҳалла аҳолисининг озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган талабини икки хил меъёрлар, яъни минимал истеъмол бюджетини ҳисоблаш меъёрлари ҳамда рационал тиббий меъёрлардан фойдаланган ҳолда ҳисобланди (1-жадвал).

1-жадвал

Маҳаллада беш ва етти кишининг озиқ-овқат маҳсулотларига талабининг прогноз вариантилари

| Маҳсулотлар гурӯҳи | Минимал истеъмол бюджети меъёрлари бўйича | | Рационал тиббий меъёрлар бўйича | | Маҳсулотларнинг бозор баҳосидаги қиймати ¹ , минг сум | |
|-----------------------|---|--------|---------------------------------|--------|--|--------|
| | 5 ² | 7 | 5 | 7 | 5 | 7 |
| Ун ва ун маҳсулотлари | 607,5 | 850,5 | 807,5 | 991,2 | 5581,3 | 7814,4 |
| Гуруч | 46 | 64,4 | 55 | 77 | 864,3 | 1214,3 |
| Картошка | 317,5 | 444,5 | 319,5 | 447,5 | 1415,7 | 1982,0 |
| Сабзавот | 857,6 | 1200,5 | 566,5 | 793,1 | 3368,6 | 4715,6 |
| Полиз | 87,5 | 122,5 | 493 | 690,2 | 558,8 | 770,0 |
| Мевалар | 338 | 473,2 | 438 | 613,2 | 4547,7 | 5546,4 |
| Янги узум | 77 | 107,8 | 127,5 | 178,5 | 1639,5 | 2295,3 |
| Мол гўшти | 74,8 | 130,9 | 137 | 164,4 | 5627,3 | 9847,8 |
| Қўй гўшти | 53,2 | 93,1 | 182,5 | 255,5 | 4194,3 | 7340,0 |
| Парранда гўшти | 42,8 | 74,9 | 36,5 | 51,1 | 1317,9 | 2306,3 |
| Балиқ | 52,8 | 92,4 | 55 | 44 | 1919,0 | 3358,3 |
| Сут | 596,2 | 935,1 | 1750 | 2450 | 4962,2 | 7782,8 |
| Тухум (10 дона) | 102,8 | 144,0 | 912,5 | 1277,5 | 1409,4 | 1977,2 |
| Шакар | 71,5 | 100 | 164,5 | 230,3 | 998,1 | 1391,1 |
| Ўсимлик ёғи | 41,5 | 58,1 | 47,5 | 66,5 | 7804,9 | 1092,7 |

Манба: муаллиф ҳисоб – китоблари асосида тузилган. ¹) Минимал истеъмол бюджети меъёрлари бўйича ҳисобланган талаб. ²) Оила сони.

Ўзбекистонда оиласарнинг минимал истеъмол бюджетини ҳисоблаш учун озиқ – овқатларга талаб 42 турдаги маҳсулотларни ўз ичига олади. Сони 5 ва 7 кишидан иборат бўлган оила учун бир йилга 607,5 килограммдан 850,5 килограммгача ун ва ун маҳсулотлари, шундан 55 фоизи буғдой нони талаб этилади. Шунингдек, 5 кишидан иборат оила учун йилига 857 кг, 7 кишига 1200 кг сабзавот; картошка эса мос равишда 317,5 ва 444,5 кг талаб этилади. Ушбу кўрсаткичлар оила аъзолари сони ошиб бориши билан кўпайиб боради.

Маҳсулотлар гурӯҳларининг бозор баҳосидаги ўртacha қиймати 5 киши учун бир йилга 46,2 млн. сўм, 7 киши учун 49,4 млн. сўмга тенг. Унда битта оила аъзоси учун йилига 5 кишидан иборат оиласада ўртacha 9242 минг сўм, 7 кишилик оиласада 8490,6 минг

сўм тўлиқ рацион меъёрлари бўйича озиқ– овқат учун даромаддан ажратма (харажат) талаб этилади. Услубий жиҳатдан озиқ–овқат маҳсулотларига талаб этиладиган харажатларни оиласлар гурухи бўйича, маҳсулотлар харид қилиш жойлари (дехқон бозорлари, дўконлар, супермаркет ва б.) ҳамда қишлоқ оиласларида шахсий томорқада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (бозор баҳосига тенглаштириб) баҳоларидан фойдаланиб табақалашган ҳолда ҳисоблашни амалга ошириш мумкин. Унда ҳар бир маҳаллада озиқ–овқатга сарфланадиган оила харажатларининг аниқлик даражаси юқори бўлади. Йил давомида маҳсулотлар баҳосининг ўзгариб туриш ҳусусияти, бундай ҳисоб–китоблар учун истеъмол меъёрларини йил фаслларига қараб табақалашни талаб этади.

Республика аҳолисининг озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган меъёрий талабларини қондириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ ҳисобланади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган картошка 2023 йилда аҳоли жон бошига 99 кг тўғри келади. Ушбу маҳсулот тури бўйича таъминланганлик даражаси ўртача 55 фоизга юқори. Мамлакатда аҳолининг сабзавот маҳсулотлари билан таъминланганлиги белгиланган меъёрлардан анча баланд. Бу сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқариш учун катта имконият ҳисобланади. Шу билан бир вақтда полиз ва мевалар тиббий меъёрлар бўйича таъминланганлик даражаси мос равишда 402 ва 128,2 фоизни ташкил этади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ва аҳолининг истеъмол меъёрлари бўйича таъминланганлик даражаси (2023 й.)

| Маҳсулот турлари | Қишлоқ хўжалик маҳсулоти *, минг тн. | Аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш, кг. | Минимал истеъмол бюджети учун меъёрлар, кг. | Рационал тиббий меъерлар бўйича, кг | Таъминланганлик даражаси, % | |
|--------------------|--------------------------------------|-------------------------------------|---|-------------------------------------|--|----------------------------|
| | | | | | минимал истеъмол бюджети меъёрларидага | рационал тиббий меъёрларда |
| Дон ишлаб чиқариш | 8426,5 | 235,0 | 171,2 | 141,6 | 137,3 | 166,0 |
| Картошка | 3571,1 | 9,9 | 63,5 | 63,9 | 156,0 | 155,0 |
| Сабзавот | 11553,7 | 320,7 | 141,5 | 113,3 | 187,0 | 283,0 |
| Полиз маҳсулотлари | 2553,5 | 70,9 | 17,5 | 98,6 | 405,0 | 72,0 |
| Мева ва резаворлар | 3121,7 | 86,7 | 67,6 | 87,6 | 128,2 | 99,0 |
| Узум | 1737,6 | 48,2 | 15,4 | 25,5 | 313,0 | 189,0 |
| Гўшт | 2760,0 | 76,6 | 45,6 | 83,9 | 168,0 | 91,0 |
| Сут | 11572,1 | 321,2 | 119,3 | 152,5 | 269,0 | 176,0 |
| Тухум (дона) | 8294,7 (млн. дона) | 230 | 205 | 305 | 112,2 | 75,4 |

*) Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб – китоблари.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда 2023 йилда 8426,5 минг тн. бошоқли ва дуккакли дон ишлаб чиқарилган. Шуни ҳисобга олганда, аҳоли жон бошига дон ишлаб чиқариш 235 кг ташкил этади. Бу аҳолини минимал истеъмол бюджетини ҳисоблаш учун белгиланган меъёрдан (171,2 кг.) 1,4 марта, рационал тиббий меъёрлардан (166,3 кг) қарийб 1,7 марта кўп. Бундай юқори таъминланганлик даражаси дондан аҳоли истеъмоли учун ун ва бошқа турдаги ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш имкониятини беради.

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига, минимал истеъмол бдюжети меъёрларида гўшт бўйича 68, сут бўйича 169,2 фоизга, тухум бўйича 12,2 фоизга кўп. Тиббий меъёрлар бўйича аҳоли талаби фақат сут бўйича 76,0 фоизга баланд, гўшт ва тухум бўйича мос равишда 8,0 ва 25,0 фоизга қаноатлантирилмайди. Ушбу ҳолатлар қишлоқ хўжалигига гўшт ва тухум ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бериш зарурлигини тақозо этади. Шу билан бир вақтда аҳоли истеъмол рационини оптималластириш ва шу орқали айрим ҳудудларда, айниқса шаҳар атрофида сабзавот, мева ҳамда сут ва тухум, тоғ олди ҳудудларида гўшт ишлаб чиқарувчи, уларни сақлаш ва сотишга ихтисослашган йирик агрофирмаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3-жадвал

Битта маҳалла ва битта оила уй хўжалигига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (2023 йил)

| Маҳсулот түрлар | Битта маҳаллага тўғри келадиган маҳсулот, кг | Битта уй хўжалигига тўғри келадиган маҳсулот, кг | Маҳсулот номи ва уларнинг ўртacha баҳоси, минг сўм(2023 -Q4 – 2024 – Q1 й.й) | |
|--------------------|--|--|--|-----------|
| Дон ишлаб чиқариш | 901,2 | 1181,8 | Гуруч | 18,8-20,0 |
| | | | Ун | 9,2-9,1 |
| Картошка | 382,0 | 500,9 | Картошка | 4,5-4,2 |
| Сабзавот | 1235,8 | 1620,6 | Карам | 4,0-3,1 |
| | | | Сабзи | 3,9-2,7 |
| Полиз маҳсулотлари | 273,1 | 357,2 | Тарвуз | 6,4-12,2 |
| | | | Қовун | 6,1-14,1 |
| Мева ва резаворлар | 334,0 | 437,8 | Олма | 11,7-14,5 |
| | | | Нок | 25,8-26,6 |
| Узум | 186,0 | 243,7 | Узум | 21,3-33,8 |
| Гўшт | 294,1 | 387,1 | Мол гўшти | 75,2-77,6 |
| | | | Товуқ гўшти | 30,8-31,7 |
| Сут | 1237,8 | 1623,2 | Сут | 8,3-7,5 |
| Тухум | 882,2 (минг дона) | 1163,2 (дона) | Тухум (10 дона) | 13,7-14,8 |

Манба: Ўз Р Қишлоқ хўжалик вазирлиги статистик маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб – китоблари.

Мамлакатимизда маҳалла тизимини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга Ўзбекистон Республикаси Президенти юқори даражада эътибор қартиши, ушбу ҳудудларда яшовчи аҳоли оиласарини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган

талабларнинг қисқа муддатли заҳираларини баҳолаш катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олиб, ушбу тадқиқотда битта маҳалла ва битта оила үй хўжалиги истеъмолига тўғри келадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 2023 йил маълумотлари асосида прогноз қилинган (3-жадвал).

3-жадвалда битта маҳаллага ҳисоблагандага 2023 йилда республика бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот турлари бўйича ҳажмлари кўрсатилган. Ўртача битта маҳаллага 2023 йилда тайёрланган дон 901,2 тоннани ташкил этади. Битта 5 киши яшайдиган үй хўжалигига ўртача 1181,8 кг дон маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Дон бўйича кўрсаткичлар ва бошқа тур маҳсулотлар ҳажми истеъмол меъёрларига мос келади. Шунингдек, 3-жадвалда 2023-йил ҳамда 2024-йил I чорагида дехқон бозорлари, савдо дўконларида шаклланган ўртача баҳолар кўрсатилган. Ушбу таққослаш натижалари ҳар бир туман “маҳалла еттилиги”нинг камбағал оиласарни қўллаб-қувватлаш ва якка тадбиркорлик дастурини ишлаб чиқиш бўйича қарорларни шакллантиришда фойдаланилиши мумкин.

Умуман олганда, маҳалла аҳолиси ва үй хўжаликлари даромадининг ошиб бориши, оиласар турмуш сифатининг юксалиши, уларнинг истеъмол рационларида муҳим сифат ўзгаришларига олиб келади ва аҳолининг асосий қисми рационал тиббий меъёрларда белгиланган ҳажмда овқатланишга босқичма–босқич ўтади. Шуни инобатга олганда аҳоли истеъмол товарларига бўлган талабни аниқлашда тиббий ва бошқа тоифага кирувчи меъёрларга асосланган прогнозларни амалга ошириш лозим.

Ушбу фикрлар негизида ҳар бир туман маҳалла фуқаролар йиғини органи таркибида оила аъзолари озиқ-овқат истеъмол рационларини оптимал ҳажмини, унга талаб қилинадиган харажатлар миқдорини ҳисоблашнинг компьютер тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун аҳоли озиқ-овқат рационини тузиш модели ва ҳисоб-китобларини алгоритмларининг ахборотлар базасини ҳамда компьютер тизими платформасини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Хулоса ва таклифлар

1. Ўзбекистонда маҳалла тизимини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тараққиёт стратегиясида ўта зарур вазифалар қаторига киради. Улардан бири маҳалла ҳудудида ҳар бир оиласи етарли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабини баҳолаш ва прогнозлаш ҳисобланади. Бу маҳалла аҳолисини кейинги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, фаровон ҳаётга асос яратади.

2. Маҳалла аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифини истеъмол меъёри бўйича таъминланганлик даражаси кейинги йилларда ўсди. Аҳоли жон бошига 2023 йилда дон ишлаб чиқариш 235,0 кг бўлган ва бунда таъминланганлик энг кам истеъмол нормасидан 137,3 фоизга рационал тиббий меъёрдан 166,0 фоизга кўп ҳисобланади. Худди шу каби ўсишни бошқа озиқ-овқат маҳсулот турлари бўйича ҳам кузатиш мумкин.

3. Мамлакатимизда ўртача 2023 йилда битта маҳаллага ва битта үй хўжалигига тўғри келадиган аграр соҳа маҳсулотлари ҳажми прогноз қилинди ва улар белгиланган энг кам истеъмол ва рационал тиббий меъёрлар доирасига мос эканлигини кўрсатади. Бундай прогноз кўрсаткичларидан маҳалла ҳудудида бизнес-режалар ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

4. Ҳозирги кунда маҳалла аҳолисини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун аҳоли озиқ-овқати истеъмоли ҳажмини тиббий ва бошқа рационал меъёрларга асосланган автоматлаштирилган компьютер тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш таклиф этилади. Бу нафақат оптимал нормаларда овқатланишни, балки унга сарфланадиган истеъмол харажатларини ҳам камайтириш имкониятларини беради.

5. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг прогноз маълумотлари мамлакат ва вилоятлар миқёсида ҳамда ҳар бир туманнинг фуқаролар йиғинларида озиқ-овқатлар заҳирасини шакллантиришда ҳамда дехқон бозорларида истеъмол товарлари тўлиқлигини баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11–сентябрь 2023- йилдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони.
2. Шмелев Г.И. Производство сельскохозяйственных продуктов населением России. – М., 2002. – с.108-111.
3. Путиевский Б.Г. Маркетинговое исследование розничного рынка продовольственных товаров // Практический маркетинг, Пермь. - №6. – 1990.
4. Crochett J.F. Population Change and the Demand For Food/
www.nber.org/books/univ60.
5. Куликова Е.В., Левит С.Р., Сбытова А.С. Доходы домашних хозяйств: показатели, методология, расчеты, источники информации. – М.: Госкомстат РФ, 1995. – 206 с.
6. Баскакова И.В. Функции домашних хозяйств и их реализация в условиях трансформируемой экономики. Автореф. диссер. на соиск. ученой степени к.э.н., Екатеринбург. 1997. – 27 с.
7. Можайкина Н.В. Социально – экономическая сущность категории домохозяйства. //<http://www.nbuuv.gov>.
8. Прищепа Л.И. Экономическая роль домохозяйства и семьи в благосостоянии страны. Вестник БДУ. Сер. 3. 2009, №3. – С. 83-87.
9. Рассказов А. Поддержка личных подсобных хозяйств населения.// Международный сельскохозяйственный журнал. – М., 2003. № 4. - С.3-8.
10. Поведение домохозяйства в рыночной экономике.
kondratyev.professorjournal.ru/c/document_library/get_file?p_l_id=520889...
11. Солиев А.С. Маркетинг. Бозоршунослик. – Т.: Иқтисод – молия, 2010. – Б. 75.
12. Газиев Ш.М. Маҳалла ва кичик оиласий бизнес. Оммабоп рисола. – Т.: ТДЮИ, 2011. – 46 б.
13. Шодиева Г.М. Оила хўжалиги мулки ва даромадини кўпайтириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т., 2001. – 24 б.
14. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2010-2018 – йиллар. Тошкент, 2019 й. – 273 б.
15. <https://siat.stat.uz/reports-filed/235/table-data>
16. Бюджетнома. 2023-2024 – йиллар учун бюджет мўлжаллари. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.